O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2005 йил 21 январь, № 15 (3560) Жума


## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Ҳурматли Президент Жаноби Олийлари!

Сизни, гўзал, бетакрор Ватанимизнинг барча фуқароларини улуғ айём — Қурбон ҳайити муносабати билан муборак ибодатни чин ихлос, имон-эътиқод ила адо этаётган ҳожиларимиз номидан қутлашга ижозат бергайсиз.

Биз, ўзбекистонлик ҳожилар она юртимизнинг келажаги буюк ва порлоқ, халқимиз ҳаёти янада фаровон, Сизнинг раҳбарлигингизда амалга оширилаётган барча хайрли ишлар бардавом ва баракотли бўлишини Аллоҳ таолодан илтижо ила сўраб дуода бўлмоқдамиз.

Айни кунда мамлакатимизда ҳукм сураётган барқарорлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро ҳамжиҳатлик, хусусан, республикамиздан ҳаж сафарига бораётган мусулмонларга яратиб берилаётган шароитлар Сизнинг олижаноб сиёсатингиз натижаси эканини янада теранроқ идрок этмоқдамиз.

Анъанага мувофиқ, 2005 йилнинг «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши халқимиз, айниқса, ёшларда руҳий-маънавий ва жисмоний поклик каби фазилатларни янада такомиллаштириш учун кенг имкониятлар яратади. Бу каби оқилона тадбирлар, албатта, бизларни истиқлолимиз бардавомлигини мустаҳкамлашда янги зафарлар сари руҳлантиради.

Ушбу баракотли онларда Сиз, муҳтарам Президент Жанобларига мустаҳкам саломатлик, бахт-саодат, она Ватан тараққиёти, халқимиз тинчлиги ва фаровонлиги йўлидаги хайрли ишларингизда Ўзи мададкор бўлишини Яратгандан сўраб дуо қилиб қоламиз.

**Ўзбекистон ҳожилари.**
**Маккаи мукаррама.**

## СЕНАТ САЙЛОВИ ЯКУНЛАНДИ

***Мамлакатимизда Олий Мажлиснинг юқори палатаси — Сенат аъзоларининг сайлови ниҳоясига етди. 20 январь куни Наманган, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг қўшма мажлислари бўлиб ўтди.***

Уларда мазкур давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларидан ҳар бир ҳудуд бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига олти нафардан вакил сайланди. Яширин овоз бериш Қонунда ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Низомда белгиланган тартибда амалга оширилди.

Таъкидламоқ лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов тўғрисидаги миллий қонунчиликда кўзда тутилган тартиб ва муддатларда Сенатга бўлиб ўтган илк сайлов юксак савияда ташкил этилди. Маҳаллий Кенгашлар депутатлари ўз сафларидан олий давлат вакиллик қонун чиқарувчи органи — Олий Мажлисда тегишли ҳудуд манфаатларини муносиб намоён этишга лаёқатли вакилларни сенатор этиб сайладилар.

Халқимизнинг икки палатали парламентни шакллантириш борасидаги хоҳиш-иродасини рўёбга чиқаришга қаратилган ушбу улкан ижтимоий-сиёсий тадбир мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

**(ЎзА).**



## Ўз касбининг устаси

*«Самарқандгазтаъминот» шўъба корхонаси автохўжалиги жамоаси ўтган йили қарийб 160 миллион сўмлик иш бажариб, вилоят туманлари ва Самарқанд шаҳридаги газ таъминоти корхоналарига намунали хизмат кўрсатдилар. Бунда, албатта, Норқул Давронов, Комил Мансуров, Комил Тожибоев каби тажрибали ҳайдовчиларнинг муносиб ҳиссаси бор. Бу йил ҳам улар ҳар бир ишни ўз вақтида, сифатли адо этишга ҳаракат қилмоқдалар.*

**СУРАТДА:** ўз касбининг устаси Комил Мансуров.

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

## «SONY» маҳсулотлари намойиши

Кеча пойтахтимизда "SONY" фирмасининг тасвирга олиш аппаратлари кўргазмаси иш бошлади. Унинг очилиш маросимида мамлакатимизда мазкур соҳада фаолият кўрсатаётган компаниялар, фирмалар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Икки кун давом этадиган ушбу тадбирда фирманинг замонавий, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган турли видеоаппаратлари, узоқдан туриб тасвирга тушириш жиҳозлари намойиш қилинмоқда.

Ўзининг янги маҳсулотларини мамлакатимиздаги харидорларига тақдим этаётган ушбу фирма жаҳонга машҳур бўлиб, хориждаги ўнлаб давлатларда унинг ваколатхоналари бор. Юзлаб турдаги товарларидан халқ хўжалигининг деярли ҳамма соҳаларида фойдаланилмоқда. Айниқса, алоқа, телекоммуникация, маиший, хўжалик ва бошқа тармоқлар учун мўлжалланган маҳсулотлари ниҳоятда харидоргирдир.

Кўргазма доирасида фирма вакиллари харидорлардан буюртмалар ҳам қабул қилмоқдалар.

**Ҳ. КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ИСЛОМ КАРИМОВ Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Ийд Ал-Адҳо муносабати билан Сизни ва Ўзбекистон фуқароларини Америка халқи номидан самимий муборакбод этаман. Мамлакатларимиз мусулмонлари ушбу байрамни нишонлаётган экан, бу бизга халқларимиз учун муштарак анъаналарнинг муҳимлигини, бехатар дунёвий жамият ва эркинликни эслатиб туради.

Қўшма Штатлар терроргa қарши жаҳон миқёсидаги урушда Сиз кўрсатаётган қатъий мададни юксак қадрлайди ва мамлакатингизда замонавий сиёсий ҳамда иқтисодий институтлар барпо этишда Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорликни давом эттиришга тайёрдир.

Эҳтиром ила,

**Жорж БУШ,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти.**

***

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ИСЛОМ КАРИМОВ Жаноби Олийларига**

Муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига энг самимий тилакларимни йўллашдан беҳад мамнунлигимни изҳор этаман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, қодир Аллоҳдан Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқи ва ислом умматига доимий тараққиёт ҳамда фаровонлик ато этишини сўрайман.

Юксак эҳтиром ва ҳурмат билан,

**Муҳаммад ҲУСНИ МУБОРАК,**
**Миср Араб Республикаси Президенти.**

***

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ИСЛОМ КАРИМОВ Жаноби Олийларига**

Қутлуғ Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига ва дўст Ўзбекистон халқига Сурия халқи ва шахсан ўз номимдан самимий табрик ва эзгу тилакларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Яратган Аллоҳдан бундай саодатли онларни Сизга сиҳат-саломатлик, шоду-хуррамликда, Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонликда такрор ва такрор насиб этишини тилаб қоламан.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин,

**Башшор ал-АСАД,**
**Сурия Президенти.**

***

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ИСЛОМ КАРИМОВ Жаноби Олийларига**

Муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги ҳукумати, халқи ва ўз номимдан Сизга самимий қутловларимни йўллайман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига тараққиёт ва юксалиш тилайман.

**Абдуллоҳ II бин ал-ҲУСАЙН,**
**Иордания Подшоҳи.**

***

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ИСЛОМ КАРИМОВ Жаноби Олийларига**

Афғонистон халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон халқини қутлуғ Қурбон ҳайити муносабати билан самимий муборакбод этаман.

Ушбу муқаддас байрам шарофати ила Худованди карим жаҳоннинг барча мусулмонларига тинчлик ва осойишталик ато этишига умид билдираман.

Сиз Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва равнақ тилаб қоламан.

Менинг қизғин саломларим ва эзгу истакларимни қабул этгайсиз.

**Ҳомед КАРЗАЙ,**
**Афғонистон Ислом Республикаси Президенти.**

***

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ИСЛОМ КАРИМОВ Жаноби Олийларига**

Қурбон ҳайити муносабати билан Сизни самимий табриклайман ҳамда Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига доимий равнақ ва фаровонлик тилаб қоламан.

Ишонаманки, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатлар янада ривожланиб, мустаҳкамланиб бораверади.

**Умар Ҳасан ал-БАШИР,**
**Судан Республикаси Президенти.**

***

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ИСЛОМ КАРИМОВ Жаноби Олийларига**

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

Қурбон ҳайити муносабати билан юборган табригингиз учун Сиз Жаноби Олийларига самимий миннатдорлигимни изҳор этиб, Сизга ўзимнинг энг самимий ва эзгу тилакларимни йўллайман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига бардавом равнақ ва фаровонлик тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

**Ҳожи Ҳассанал БОЛКИЯҲ,**
**Бруней Султони.**

***

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ИСЛОМ КАРИМОВ Жаноби Олийларига**

Ислом аҳли Ийд ал-Адҳони нишонлаётган ушбу онларда Мальдив ҳукумати, халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон халқига қизғин табрик ва самимий тилакларимни йўллайман.

Яратган Аллоҳ Ер юзидаги барча мусулмонларга бардавом тараққиёт ва юксалиш, Сизга соғлиқ ва бахт, юртингизнинг биродар халқига тинчлик, осойишталик ва қут-барака ато этсин.

**Маъмун Абдул ҚАЮМ,**
**Мальдив Республикаси Президенти.**

***

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ИСЛОМ КАРИМОВ Жаноби Олийларига**

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан ўзимнинг энг эзгу табрикларимни йўллашдан бағоят мамнунман. Қодир Аллоҳ Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, омад, юртингизнинг биродар халқига равнақ ва фаровонлик ила бундай саодатли онларни такрор насиб этади, деб умид билдираман.

Аллоҳ таоло Сизнинг Ўзбекистон халқи ва мусулмон уммати тараққиёти йўлидаги олижаноб саъй-ҳаракатларингизда муваффақият ато этсин.

Чуқур эҳтиром ила,

**Сапармурот НИЁЗОВ,**
**Туркманистон Президенти.**

***

**Шунингдек, Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Фаластин озодлик ташкилоти Ижроия қўмитаси раиси, Фаластин миллий мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос, Кувайт Давлати Валиаҳди Саад Абдуллоҳ ас-Салим ас-Сабоҳ, Араб Давлатлари Уюшмаси Бош котиби Амр Муса, Бошқирдистон Республикаси Президенти Муртазо Раҳимов, Ингушетия Президенти Мурат Зязиков ва бошқалардан табрик телеграммалари олинди.**

### «Парранда-Ломанн»: ЮТУҚЛАР МУСТАҲКАМЛАНЯПТИ

**Самарқанддаги "Парранда-Ломанн" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси республикамизда паррандачиликка ихтисослашган йирик ва иқтисодий жиҳатдан бақувват жамоалардан ҳисобланади. У ўтган йили буюртмачиларга шартнома асосида 66584,6 минг дона тухум ва 467 тонна парҳез гўшт етказиб бериб, мамлакатимиздаги паррандачилик хўжаликларини ҳам наслли жўжалар билан таъминлади.**

**Жорий йилда бу ерда гўшт ва тухум етиштириш миқдорини янада кўпайтириш режалаштирилган.**

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Ислоҳот одимлари*

## Яйловнинг ўз олами бор



***Дунёда ҳар бир касбнинг ўзига яраша қийинчилиги бор. Лекин йил бўйи дашту саҳрода кезадиган, қишнинг қаҳратони, ёзнинг жазирамасига бардош бериб, керак бўлса, қўй-қўзисини бағрига босиб жалаю дўлдан асрайдиган чўпон-чўлиқлар меҳнатини ҳар қанча улуғласак арзийди.***

**Ислом КАРИМОВ.**

Мамлакатимизнинг марказий қисмида жойлашган Навоий вилояти табиий бойликларга бой ҳудуд саналади. Хусусан, вольфрам, фосфорит, кварцли қум, цемент, олтин қазиб олиш, шунингдек, энергетика, кон-руда металлургияси, қурилиш ашёлари, пахта тозалаш саноати вилоятнинг етакчи тармоқларидир.

Вилоят қишлоқ хўжалигида пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик қаторида чорвачилик ҳам муҳим тармоқ ҳисобланиб, қоракўл тери етиштириш бўйича мамлакатимизда Бухоро вилоятидан кейин иккинчи ўринни банд этади. Ҳозирда вилоят яйловларида 21,6 минг бош қорамол, 1 миллиондан зиёд қўй-эчки, шунингдек, 116 минг бош бошқа жониворлар парваришланмоқда.

### Чорвачилик — мўл-кўлчилик

Конимеҳдан "Сарибел" наслчилик ширкат хўжалигига отланаётганимизда эсиб турган изғирин сал ўтмай кучли шамолга айланди. Этаги уфқларга туташиб кетган яйловлар бағрини кесиб ўтган асфальт йўлда елиб бораётган машина чайқалиб юракка ваҳима соладиі. Бўйи икки-уч метрли саксовуллар, тиззадан паст янтоқлар илдизларини қумга санчиб, шамолга бас келади. Шу дамда кўпни кўрган ҳамкасбимизнинг "У томонларнинг иқлими пастроқ, иссиқроқ кийиниб олинг" дегани хаёлимдан ўтди.

Юз йигирма километрлик масофа ортда қолгач, қумликлар бағрида қад ростлаган Янгиғозғон қишлоғи бошланди. Айтиш жоизки, бу мўъжазгина қишлоқда турли миллатга мансуб кишилар истиқомат қилишади. Уларнинг асосий касб-кори чорвачилик.

Хўжалик идорасида бизни бошқарув раиси Ўрмонбой Кукенов қарши олди. Сўнгра бир пиёла чой устида суҳбат давом этаркан, у:

— Меҳмон, бу тарафларда аввал ҳам бўлганмисиз? — деб сўради.

— Ўн йилча бурун, — дея жавоб бердим мен.

— Анча бўлибди, хўжаликда, чорвадорлар ҳаётида ўзгаришлар кўп. Мен гапириб берсам, нокамтарликка йўйишингиз мумкин. Ҳадемай, шамол пастлайди. Қишлоқни, отарларни кўринг, чўпонлар билан гаплашинг, ўзгаришларга ўзингиз гувоҳ бўласиз.

Раиснинг айтганича бор экан, хаял ўтмай шамолнинг дами кесилди. Йўлга отландик. Бироз йўл юргач, Ўрмонбой ака яна гап бошлади.

— Ҳозирги кунда хўжалигимиздаги 124 та оилавий пудратчи 62 минг қўй-эчкини парваришламоқда. Ўтган йили ҳар юз бош совлиқдан 118 тадан қўзи олишга эришдик. Даромад 1 миллиард сўмни ташкил этди. Шундан 350 миллион сўми — соф фойда. Шунингдек, шартнома шартларини тўлиқ бажарган оилавий пудратчиларга 4702 бош қўй берилди.

2003 йил якуни бўйича ширкат аъзоларига 73 миллион 132 минг сўм дивиденд берилганди. Бу йилгиси эса ундан-да ошади.

Шу пайт ҳайдовчи раисга хиёл ўгирилиб, "Биринчи бўлимга ҳайдайми?» деб сўради. У тасдиқ жавобини олгач, машина рулини чапга бурди.

Ўн дақиқадан ошиқроқ йўл босиб, тепаликка қурилган бинога етиб келдик. Очиғи, даставвал бу бўлим идораси бўлса керак, деб ўйлагандим. Чунки бино томига ўрнатилган параболик антена, оппоқ "Дамас", борингки, бинонинг ташқи кўриниши ҳам шундан далолат берарди. Бироқ янглишибман. У бош чўпон Телебой оғанинг уйи экан.

Бизга пешвоз чиққан 25-30 ёшлардаги норғул йигитдан раис "Отанг қаерда?" деб сўраганди, у "Навоийга кетганлар" деб жавоб қайтарди.

Маълум бўлишича, бош чўпон Телебой Қарсакбоев бошлиқ отарда 546 бош қўй парваришланар экан.

— Йигитнинг исми Наврўзбой, Телебой аканинг ўғли. Ҳар қандай саволингиз бўлса, тортинмай бераверинг, — деди раис ва 100 метрча нарида жойлашган қўра томонга қараб кетди.

Чўпон "Ташқари совуқ, ичкарига кирайлик" дея мени уй томон бошлади. Айтиш жоизки, хонадон саранжом-саришта. Жиҳозлари ҳам рисолагидек. Кўк чойдан ҳўплаб, Наврўзбойга "Бола-чақалар кўринмайди" дегандим, "Улар қишлоқдаги мактабда" дея жавоб қилди. Бугунги ҳаёт, оила ташвишлари хусусида гурунг асносида ундан яна "Муаммолар ҳам борми?" деб сўрадим. У жавоб ўрнига кулимсираб, "От минишни биласизми?" деди.

— Сизларчалик билмасакда, эплаймиз, — дедим.

(Давоми 2-бетда).

*2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили*

# ИНСОН ҲАЁТИ — БЕБАҲО

***2005 йил Президентимиз Ислом Каримов томонидан «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши халқимизнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштиришдек хайрли ишлар кўламини янада кенгайтириш имконини бермоқда.***

Бу борада суғурта соҳасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолининг ҳаёти ва соғлиғини суғурта қилишга ихтисослашган "Ўзбекинвест ҳаёт" суғурта компанияси бош директори Олимжон ИКРОМОВ бу ҳақда қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Бахтсиз ҳодисадан суғурталаш ва ҳаётни суғурталашга доир суғурта турлари Ўзбекистон суғурта тизимининг таркибий қисмига айланиб боряпти, — деди у. — Бунда суғурта объекти сифатида мулк эмас, балки инсон ҳаёти ва соғлиғи олинади.

Мамлакатимизда Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан тиббиёт соҳасида ўтказилаётган изчил ва самарали ислоҳотлар аҳоли соғлиғини муҳофаза этиш, тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш, инсон ҳаёти ва соғлиғини суғурталашнинг самарали тизимини яратиш имконини бермоқда.

Муассасамизнинг низом жамғармаси ярим миллиард сўмдан иборат. Ўтган йили ўн мингдан зиёд юридик ва жисмоний шахс билан шартнома имзолаб, беш миллиард сўмлик суғурта мажбурияти олдик, тушумлар миқдори салкам 150 миллион сўмга етди.

Хусусан, суғуртанинг хорижий сафарга чиқувчи юртдошларимиз учун очилган тиббий суғурта тури кўпчиликка маъқул келмоқда. Фуқаро хорижга боргач, тўсатдан бетоб бўлиб қолса, қайси давлатда бўлишидан қатъи назар, унга шу мамлакатнинг етакчи тиббий муассасалари томонидан тезкор тиббий хизмат кўрсатилади. Даволаниши учун сарфланган харажатлар тўланади.

Масалан, 2004 йилнинг сентябрь ойида икки мижозимиз иш юзасидан Францияга борганида, кутилмаганда бирининг аэропортда юрак хасталиги хуруж қилади. Беморга ўша жойнинг ўзида француз шифокорлари томонидан тез тиббий ёрдам кўрсатилди, у тўрт кун мобайнида маҳаллий касалхонада даволанди. Компания бу ҳолат бўйича мижознинг даволаниши учун кетган харажат — салкам минг АҚШ доллари микдоридаги суғурта мажбуриятини қоплади. Ваҳоланки, у суғурта полисини сотиб олиш учун бор-йўғи қирқ тўрт минг сўм сарфлаган эди.

Туркияга саёҳат қилган яна икки мижозимиз — ота-бола денгиз соҳилида дам олишаётганида, "офтоб уриши" натижасида ота ҳушидан кетади. Унга шу жойнинг ўзида зарур тиббий ёрдам кўрсатилади. Харажат учун кетган 500 АҚШ доллари эса компания ҳисобидан тўланди. Айтиш жоизки, бу мижозимиз суғурта шартномаси учун атиги 35 минг сўм сарфлаган эди.

Бундай қалтис ва ўта нозик жараённи амалга оширишда бизга Швейцариянинг "Elvia" компанияси билан тузилган ҳамкорлик битими жуда қўл келмоқда. Шартномага биноан, хорижга чиқаётган барча мижозларимизга сафар чоғида буюм-юкларининг йўқотилиши натижасида кўриладиган зарар, бахтсиз ҳодиса юз берганида кўрсатилган тез тиббий, ҳуқуқий ёрдам, тиббий-транспорт хизмати учун кетган харажатлар тўла қопланади.

Шакллантириладиган суғурта фонди фақат зарар оқибатини тугатишни эмас, балки унинг олдини олишни ҳам назарда тутади. Ўз ҳисобимиздан мижозларни профилактик кўрикдан ўтказиш ҳам йўлга қўйилган.

Шу мақсадда республикамиздаги йигирмадан зиёд клиника билан шартнома имзолаганмиз. Компаниямизда ташкил этилган диспетчерлик хизмати эса туну кун ишлайди ва мижозларимиздан талаб-таклифлар қабул қилади. Бунда мижозларни тиббий суғурталаш жараёнида бирламчи профилактик кўрикдан ўтишни таъминлайдиган суғурта тури, айниқса, қўл келаётир.

**ЎзА мухбири Лазиз РАҲМАТОВ ёзиб олди.**

# ОНАЛИК ПАСПОРТИ

*аёллар ва болаларни асраб-авайлашга хизмат қилади*

Ўтган йилнинг апрель ойида Наманган вилоятининг барча қишлоқ врачлик пунктларида ҳомиласи 12 ҳафталик бўлган аёлларнинг қўлига Оналик паспорти берилганди. Бу Германия билан Ўзбекистон давлатларининг ўзаро битимига мувофиқ, Германиянинг КФВ банки ҳомийлигида амалга оширилган тадбирдир. Европа мамлакатларида ана шу тиббий технология ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Ҳозирги кунгача ҳам бизда ҳомиладор аёллар қишлоқ врачлик пунктларида, поликлиникаларда ҳисобга олиниб, улар учун махсус дафтарча юритилган. Ўз-ўзидан савол туғилади: хўш, ўша аввалги дафтарчалардан тиббиётимиз амалиётига янгидан кириб келган Оналик паспортининг фарқи, афзалликлари нимада?

— Вилоятда Оналик паспортининг мақсадга мувофиқ юритилишини бизнинг репродуктив саломатлик марказимиз назорат қилади, — деб изоҳ барди шифокор Фотима Каримова. — Бу янги ҳужжатнинг афзалликлари кўп. У учта ҳомиладорлик учун мўлжалланган бўлиб, ҳар бир ҳомиладорлик тарихи изчил қайд этилади. Ҳомила билан боғлиқ жиҳатлар махсус бандлар бўйича тўлдирилиб борилиши талаб қилинади. Бу маълумотлар билан ҳамма шифокорлар танишиб чиқишлари, аёлнинг аҳволидан тўлиқ хабардор бўлишлари мумкин.

Оналик паспортида ҳомиладор аёлнинг вазни, турли текширишлар натижалари, барча мутахассис шифокорларнинг текширув хулосалари мунтазам қайд этиб борилади.

Бу усул, айниқса, ультра товуш ёрдамида ташхис қўйиш имконияти бўлмаган қишлоқ врачлик пунктлари учун айни муддаодир. Чунки ҳомиладор аёлнинг меъёридан ортиқ вазни ҳам, озғинлиги ҳам ҳомила ривожи маълум бир асорат билан кечаётганлиги оқибати бўлиши мумкин. Оналик паспортида изчил белгилаб бориладиган қайдлар салбий ўзгаришларни вақтида аниқлаб, уларни кечиктирмасдан даволаш имконини беради.

**Гулгун СУЛТОНОВА, ЎзЖТУ талабаси.**






